





Ёймачилар туфайли күчада йўл ҳаракати тартибсиз ҳолатга келиб қолмоқда






Бугун вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов топшириғига асосан Узун тумани ҳокими Х.Бозоров бошчилигидаги ишчи гурух туман марказидаги архитектура ва шаҳарсозлик талаблариға зид ҳолатда фаолият юритиб келаётган тадбиркорлар, пиёдалар йўлакчасини бизнес майдонига айлантириб олган савдогарлар, ноқонуний майдонларда фаолият юритаётган ёймачилар ҳамда овқатланиш шаҳобчаларининг тозалик ҳолатини кўздан кечирди.





Шунингдек, ишчи гурух тадбиркорлар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган жойлар, ноқонуний қурилишлар ва антисанитария ҳолатидаги овқатланиш шаҳобчалари эгалари билан профилактик сұхбатлар олиб борилиб, огохлантириш хатлари берилди.



**Хурматли фуқаролар унутманг туманимиз марказини тартибга
келтиришда ва гўзал манзилга айлантиришда барчамиз масъулмиз**